

Ўзбекистон болалари ва ҷемирларининг газетаси

Президентимиз номига ташаккурнома келди

Едингида бўлса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Америка Қўшма Штатлари таълим вазирлигининг ўзаро шартномасига мувофиқ, шу йилнинг март ойида республикамиздаги инглиз тилига ихтисослашган мактабларда тест ўтказилиб, голиблар 1993-94 ўқув йилида Америкага бориб ўқиш келишлари кўзда тутилган эди.

Шаҳримиздаги 102-мактабда ҳам ана шундай тест сновлари муваффақиятли якунланди. Бу мактабга келган Нью-Йоркдаги "Туркистон жамияти" аъзоси Мунаввар УЛҒУН ўқувчиларга тест саволларини тарқатиб чиқди ва ўқувчиларнинг ёзма тарздаги жавобларини Америкага юборди. Орадан ҳеч вақт ўтмай жавоб олинди. Унда тест сновидан муваффақиятли ўтган 4 нафар ўқувчи кўрсатилган бўлиб, улар ўқиш учун Америкага таклиф қилинган эдилар.

Ҳадемай, Ўзбекистон мактабларидан илк қадиргочлар қаторида Америка сафарига отланишади. Шунинг қувончи билан алоҳида таъкидлаш лозимки, Америкадаги ўзбек оилаларига жойлаштириш мўлжалланаётган ўзбек фарзандларининг бир йил давомида яшаши, ўқиши, йўл кира харажатлари — ҳамма-ҳаммасини америкаликлар ўз зиммаларига олинган.

Ўқув йили тугаши арафасида биз Америкада ўқиш келиш бахтига муяссар бўлган бир гуруҳ ўқувчилар билан учрашиб, уларнинг келажакдаги орзу-умидлари, тенгдошларига билдирган эзгу-ниятлари билан қизиқдик:

Ашир ака Жуманазаров
АЖиззах вилояти, Форинш туманидаги 79-мактабда 37 йил давомида тарих фанидан болаларга таълим берди.

Бу вақт ичида тарих саҳнида катта ва жиддий ўзгаришлар юз берди. Ашир ака уларни тўғри талқин этиш ва болаларга тушунтиришда кўпроқ ҳақиқатга ёндашиб, ўқувчилар онгида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳини сингдиришга интилдди. Яқинда эса муаллим пенсияга чиқди. Аммо бу ҳолни у қариллик билан боғламайди.

"Бунинг бошқа "сири" бор" дейди. Биз ана шу "сир" хусусида Ашир ака билан узоқ суҳбатлашдик.

— Аслида муаллим бўлишга жуда болалигимдан қизиққанман. Аммо менинг чекимга тарихни ўрганиш ва уни ешларга ўргатиш тушганига бироз хафаман. Бу касб қийинчилигидан эмас, асло. Бу ўз ишимдан қониқмасликдандир...

Биз узоқ вақт давомида болаларимиз онгини алвон партия мафкураси билан заҳарлаб келдик. Ўз Ватани, унинг мустақиллиги ва эзгу қадриятлари учун курашганларни халқ душманлари, босқинчилар деб атадик. Бизни алдаганларни эса оғамиз, йўлбошчимиз дедик. Ёлгон мафкурага эргашиб, охир-оқибатда болаларимизни ҳам шунга кўнितтирдик, уларни ана шундай ҳиссиз қилиб қўйдик. Биз оташин дарсларимизда революциянинг муҳим аҳамияти, ундан кейинги ҳаёт жаннат мисол фаровон бўлади деб ишонтирдик.

Мен ҳам бошқа мактаблардаги тарих муаллимларидан фарқ қилмайман. Мен ҳам йиллар давомида дарсликлардаги фактларни болалар онгига сингдириб келдим. Аммо бунинг учун виждонан

Дурдона ЖАЛИЛОВА,
10-синф ўқувчиси:

— 10 йил давомида мактабда сабоқ олиб, нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси учун устозларимдан миннатдорман. Қолаверса, билим олишга бўлган астойдил интилишим ҳам ўз самарасини берди, деб ўйлайман. Тенгдошларимга ниятим битта: фурсатни бой бермай, сидқидилдан ўқишни, ўрганишни. Астойдил қилинган меҳнат зое кетмайди, деганларидек, шундагина ўйлаган ниятларига, мақсадларига эришишлари мумкин.

Феруза АЛИМОВА,
9-синф ўқувчиси:

— Америкага бориб ўқиш бахтига муяссар бўлганлигимдан жуда бахтиёрман. Бунинг учун, авваламбор, бизга таълим-тарбия берган устозларимдан, қолаверса, инглиз тили бўйича илмий мудирамиз Салима опа Тўрахонова, устозларимиз Лидия Афанасьевна ҳамда Эрмон ака Муҳаммедовлардан беҳад миннатдорман. Улар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, 11-синф ўқувчиси:

— Юз бор эшитгандан, бир марта кўрган афзал, дейишади. Менинг Америкага бориб ўқишдан мақсадим — инглиз тилини мукаммал ўрганиш билан бирга, америкаликлар урф-одати, маданияти, анъаналари билан яқиндан танишишдир. Келгусидаги орзуим — шифокор бўлиш. Америкада пухта билим олиб, ўқишларни муваффақиятли тамомлаб, она юртимизга қайтгач, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишни дилмига тукканман.

Дилфуза ОЛИМЖОНОВА,
11-синф ўқувчиси:

— Америкага бориб ўқиш биз учун нақадар шарафли. Шу билан бирга зиммамизга маъсулият ҳиссини ҳам юклайди. Олдимизда улкан сновлар турибди. Ўзга юртга қадам қўяр эканмиз, авваламбор, ўзбеклар диёридан эканлигимизни, маънавиятимизни, билимдонлигу зукколигимизни, энг муҳими, ўзбек қизларига хос бўлган ибодат, ҳаё, иффату назокат, одоб-ахлоқимизни намойиш этишимиз лозим.

Бундай имкониятни меҳрибон устозларимизнинг, қолаверса, халқимизнинг бизларга билдирган юскак ишончи деб биламан. Ана шу юскак ишончини сидқидилдан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Худо хоҳласа, Президентимиз номига Америкадан ташаккурнома келади.

Оқ йўл сизга, иқтидорлар!

Ф. Жалилова
суҳбатлашди.
Р. Альбеков
суратга туширган.

ЮРТ МЕҲРИ —

ДИЛЛАРДА БЎЛСИН!

қийналар, дарслар мавзуга озроқ бўлса-да ҳақиқат киритиб боришга интилардим...

Энди давлатимиз мустақил. У ўз-ўзини бошқара оладиган, бошқаларга сизинди бўлмайдиган бир диёрга айланди. Бугунги кунда болаларга билим бераман деб киришган ўқитувчиларнинг асосий вазифаси эса болаларнинг онгини ўзгартириш, улардаги бефарқлик, ишончсизликни йўқ қилиш, йиллар давомида ҳиссизлик билан бўшаб қолган қалбларига Ватан муҳаббати билан ўзбекона мағрурлик руҳини сингдира беришдир. Аммо буларни бир еки икки дарс соати давомида сингдириб бўлмайди. Бунинг учун миллионлаб соатлар даркор. Ҳар дақиқа, ҳар кун болаларимиз онгига бугун барчамиз эргаша бошлаган ва албатта истиқлолни мустаҳкамлайдиган мафкура—ўлкани севиш, уни қадрлаш, қадриятларига муҳаббат қўйишни таъкидлаб бориш

зарур. Куруқ гапдан нари, ўрта мактаб, олий ўқув юрғларидеги барча фанлар — ҳо у амалий, ҳо у гуманитар фанлар бўлсин — ҳар бирида Ватан, садоқат ҳақида фикр юритилсин. Менделеев жадвалидаги кимёвий моддаларнинг топилишига ҳисса қўшган, алгебра асосини яратган ўзбек алломалари камми? Ўқувчилар, ўқитувчилар ҳам миллий гуруримизни, қадриятларимизни, миллий маданий меросимизни чуқур ўргансинлар. Шарқ маърифатпарварлари яратган фан, адабиёт, санъат, диёримизнинг бебаҳо маданий, меъморчилик ёдгорликлари, табиат бойликларимиз мамлакатимизнинг маънавий ва иқтисодий куч-қудратини белгилайди. Уларни ўргатиш ва ўзлаштириш учун мукаммал, янги дарсликлар яратилмоқда. Қолаверса, ўқитувчи ва тарбиячилардан, ота-оналардан чидам ва сабот талаб қилинади.

Мен таълим берган мактаб

ўқувчиларининг жуда кўплари олий ўқув юрғларида таълим олишган, ҳозир ҳам ўқишмоқда. Аммо кейинги йиллар давомида болаларнинг билим олишга қизиқишлари бир қадар сўнган. Бунинг асосий сабабларини ўрганиш билан бирга уларни янги-янги усуллар билан таълимга қизиқтирайлик. Мен пенсияга чиқар эканман, мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда пухта, билим олишга иштиёқманд ўқувчиларга ҳар ойлик нафақа пулимнинг 30 фоизини бериб боришга қарор қилдим. Мен уларнинг орасидан биз орзу қилган ҳақиқий ватанпарварлар, ўз юрти учун жон фидо қила оладиган мард ўзбек фарзандлари чиқишига ишонаман.

Д. СОДИҚОВА.



Мана, Республикамиз ўз мустақиллигига эришганига ҳам икки йил бўлиб қолди. Бу даврга келиб мамлакатимизда ҳар соҳада, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида буюқ ўзгаришлар томон юз тутди. Президентимиз Ислоҳ Каримов Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда олдимизда турган энг муҳим масала — миллий истиқлол мафкурасини яратишдир. Бу мафкура "Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб олға бориш" деган энг улуғ шиоримизни рўйбега чиқаришга йўналтирилиши зарур.

Олдимизда турган ана шу улуғвор ва кенг кўламли вазифаларни амалга оширишга, ёшларимиз, фарзандларимиз онгида илғор дунёқарашни

шакллантириш, уларни она-Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўя биладиган муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш ишига ҳамма-ҳамма ўз ҳиссасини қўшиш лозим. Олиму фуқаро, зиёли ишчи, давлат арбобию тadbиркор замон билан ҳамнафас бўлмоғи даркор. Бу ҳар биримизнинг Ватанимиз, халқимиз олдидаги муқаддас фарзандлик бурчимиздир.

"Муқаддас ўзбек дивердида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб қўри, ақл идроки ва истеъдоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарзидир".

Яқинда мухбиригимиз ўқув йили охирида шахримиздаги инглиз тилига ихтисослашган 102-мактабда бўлиб, ўқитувчиларнинг миллий истиқлол мафкураси, унинг ўқувчилар таълим-тарбиясидаги роли ҳақида фикр ва мулоҳазалари билан танишди.

МАКТАБ - МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ПОЙДЕВОРИ



Мақфират АСОМОВА, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Жонажон Ўзбекистонимиз тарихида янги бир давр бошланди. Ўз эркимизни, мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтиб олдик. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллигимиз шароитида одоб-ахлоқ ва

тарбиянинг аҳамияти янада ортди. Бу эса ўз навбатида фарзандларимиз тарбияси ишониб топширилган биз, ўқитувчилар, зиммасига янада кўпроқ маъсулият юклайди. Фарзандларимиз таълим-тарбияси борасида ҳам янгича йўл ва усуллардан фойдаланиш, уларни такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Шу мақсадларда мактаб дастурларига одоб-ахлоқ дарсларининг киритилгани мақсадга мувофиқдир. Одамлар орасидаги меҳр-оқибатни, дин-натни мустаҳкамлаш ҳар доимгидан ҳам бугунги кунда жуда муҳимдир. Шу нуқта-назардан қараганда, одобнома фанининг ўқитилаётганлиги диққатга сазовордир. У ўқувчиларни унут бўлиб кетаётган миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, удум ва маросимларимиз билан таништиришда қўл келмоқда.



Марғуба НИҒМОНОВА, бошланғич синф ўқитувчиси:

— Бир кун нима бўлди, денг? 1-синфда ўқийдиган Жамшид Раҳмонов деган ўқувчим мени лол қолдирди:

— Марғуба опа, сиз ҳар доим буюқ ажодларимиз ҳақида ҳикоя қиласиз. Бобокалонимиз Улуғбек Мирзо "Юлдузлар жадвали"ни тузганлиги ҳақида гапиргансиз. Шундай экан, нима учун телевизорда, газеталарда бериб

бориладиган астрологик маълумотларда Улуғбек ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмайди? — деб қолди...

Жажжигина, мурғак қалбда миллий гурур ҳисси барқ уриб турган болакайга қараб, қалбимда умид учкунлари чақнагандек бўлди. Демак, озми-кўпми қилаётган меҳнатларимиз зое кетмаётган экан. Мен миллий истиқлол мафкураси деганда, авваламбор, ўз халқимиз тарихини ўрганишни, ўргатишни тушунаман. Зеро, ўтмиши йўқ халқнинг келажаги ҳам бўлмайди, деб бежиз айтилмаган-ку!

Назаримда, алифбе, ўқиш китоби дарсликларига буюқ бобокалонларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи бўлимлар киритилса, нур устига нур бўлар эди. Чунки, фарзандларимиз орасида Увайсий, Нодирабегим, Зебунисолар кимлигини билмайдиган, Темурланг ҳақида эскича фикрлайдиганлар озми? Уларга ҳақиқий тарихимизни ўргатиш эса, биз — ўқитувчиларнинг муқаддас бурчимиздир.

ИРОДАЛИ ҚУДРАТ

орқада қолиб кетмаслик учун кўп ҳаракат қилди. Тушунмаган жойларини эса кунда ҳолидан хабар олиб турадиган синф раҳбари Дилбар опа Алихўжаевадан сўраб ўрганди. Дўстлари Зоир, Абдурахим, Улуғбеклар ҳам Қудратни ҳеч вақт елгизлатиб қўйишмади.

Кейинчалик Қудрат қўлтиктаёқлар ердамида юра бошлади. Бундай юришининг азобини, машаққатини фақат бошидан кечирган одамгина тушуниши мумкин деб ўйлайман. Лекин қанчалик мушкул бўлмасин, ўқишга, илм олишга бўлган иштиёқи устунлик қилди. Шундан бўлса керак, ҳар кун мактабга келиб, биринчи қаватдан тўртинчи қаватга чиқиб, тушиб таълим олаётган Қудратнинг бирор марта зорланганини, нолиганини кўрмадик. Фанларни зўр қизиқиш билан ўзлаштиради, айниқса, биология, алгебра фанларига иштиёқи баланд. Ҳозир эса таътилдамиз. Турли бадий китобларни, айниқса, Куръони каримни мутолаа қилиш — унинг сеvimли машғулоти. Уй юмушларида ҳам доимо ердамчи.

Пухта, билим олиб, қелажагига мустаҳкам пойдевор яратиш учун интилаётган мактабдошимизнинг келгусидаги орзуси — ҳисобчи бўлиш. Интилганга толе ер, дейишади.

Келгусида оппоқ орзуларинг ушалишига биз ҳам тилақдошимиз, Қудрат!

Фотима ОТАХОНОВА, Тошкентдаги 114-мактаб ўқувчиси.

Сайёра МАКСИМОВА, бошланғич синф ўқитувчиси:

— Менимча, миллий гурурсиз, ҳеч бир миллат равнақ топмайди. Халқимиз миллий маънавиятининг буюклигига, маданий меросимизнинг ниҳоятда бойлигига шак-шубҳа йўқ. Ана шу миллий гурур руҳини фарзандларимиз онгига жуда ешлиқданок, мактаб партасига ўтириб датлабди кунлариданок сингдира бориш, уларни шу руҳда тарбиялашнинг аҳамияти, самараси бекиесдир.

Яқинда синфимиз ўқувчилари билан "Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!" деган мавзуда кеча, туманимиз миқёсида очик тарбиявий соатлар ўтказдик. Бундай кечаларда ўқувчиларимиз миллий либослар кийиб, йиллар давомида янада сайқалланиб, ешариб бораётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намойиш этишди.

Маълумки, бизнинг юртимиздан маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, маданият арбоблари, олиму фозиллар, саркардалар етишиб чиққан. Бундай буюқлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўрнига эга бўлганлар.

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий маънавиятимиз,



гуруримиз қайта тикланаётган хозирги шароитда буюқ боболаримиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳ Жаҳонларни улуғлайдиган замонлар келди. Мактаб дарсликларидида Ленин ҳақидаги боболарнинг ўрнига ўқувчиларимга Тўмарис ва Спитамен, Широк ва Мангубердилар ҳақида ҳикоялар сўзлайман. Гўрўгли, Алпомир, Ойбарчин, Кунтуғмиш дostonларини ўқиб бераман. Улар онгига авлодаждодлари билан гурурланиш руҳини сингдиришга интиламан.

Найнахон ФАЙЗИЕВА, она тили ва адабиётни ўқитувчиси:

— Менимча, мактабни миллий истиқлол мафкурасининг пойдевори деб аташ мумкиндек. Мафкура — бу бир тизим, эътиқодки, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни янада билишимиз замирида қалбимизда ана шу эътиқод янада мустаҳкамланиб бораверади. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳозир ҳар биримизнинг олдимизда турган энг муҳим масала — бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишдир. Шундай экан, биз ўқитувчилар ҳам бу



улуғвор вазифаларни бажаришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Бунинг учун эса фарзандларимизни янги дунё талаблари ҳамда мустақиллик руҳида ўқитиб, улар тарбиясига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Феруза ЖАЛИЛОВА ёзиб олди.

ЧЕТ ЭЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИНГ ҲАЁТИДАН

РАДИОСТАНЦИЯЛАРДА БОЛАЛАР ҲАМ ИШЛАЙ ОЛАДИЛАР

Радиостанцияларда фақат катталаргина ишлайдилар, деб ҳисоблайди кўпчилик. Лекин Миннесота штатидаги Миннеаполис шаҳар радиостанциясидагилар бу юмушни болалар ҳам бемалол урғидан-тўғри эфирда исботлашди. "Эй-эй-эй-эс" Болалар саеравий алоқалар станциясида (қисқача АОЗ) пластинкаларни болалар айланттиришди, тингловчиларнинг кўнгирокларда билдирган фикр-мулоҳазаларини тўғридан-тўғри эфирда қабул қилиб олишди. Ҳатто болакайлардан бири компаниянинг вице-президенти ҳисобланади. Болаларнинг ўз тенгдошлари учун қизиқарли эшиттиришлар тайёрлашлари — станциянинг асосий мақсадидир. Унда ишлайдиган 16 ешли Энжи Минела исмли қиз фақат эшиттиришлар тайёрлаб, олиб бориб, томошабиллардан кўнгироклар қабул қилибгина қолмай, мусиқа муҳаррири бўлиб ҳам хизмат қилади. 11 ешли Жимми Фриман эса радиостанциянинг энг еш бошлиғи ҳисобланади. Компаниянинг бу кичик президенти шундай дейди:

"Мен тингловчиларимиздан келган мактубларни кўздан кечираман, улардан кўнгироклар қабул қиламан, станциямиз фаолиятига доир фикр-мулоҳазаларни

тинглайман. Уларнинг орасидан фойдаланса бўладиганларни ажратиб оламан".

Жимми фақат ташкилий ишлар билангина шуғулланиб қолмай, ўзи ҳам дастурлар тайёрлайди, эшиттиришлар олиб боради. Масалан, мана бундай: "У, Кей, ҳозир биргаликда дўстлик ҳақида кўшиқ тинглаймиз. Сизлар билан дўстлашганимиздан, бизларни тинглаётганингиздан беҳад шодимиз. Энди эса радиостанциямиз тўлқинларида "Алладдин" кинофильмидан "Меидек дўст" номли кўшиқ янграйди.

Болалар учун бундай радиостанция керакми?, деган саволга Энжи Минела ҳеч ўйланмай "ҳа" деб жавоб беради. Менимча, — дейди у — болаларда "бизники" деб атай оладиган нарсалар жуда оз. Болалар учун мўлжалланган телевидение ҳам аслида катталар учунгина мослаштирилгандек. Болалар ҳам "бизники" деб атай оладиган ва у билан

гурурлана оладиган "нимагадир" эга бўлишлари шарт.

Энжи Минела кўрсатувларини олиб борар экан, у ўз услубида турли қизиқарли конкурслар ва "ўйлаб топ" ўйин-жумбоқларини ташкил қилдики, тингловчилар ҳам беихтиёр унинг иш-тироқчиларига айланишди. Эфир орқали тенгдошларини тугилган кунлари билан қутлашади. "ўйлаб топ" конкурсида голиб чиққанларнинг номларини эълон қилишади. Айти пайтда "АОЗ"да ишлаб турган Жимми ва Энжилар улғайишгач ҳам радиода ишлашни давом, эттиришармикан, деган савол тўғрисида.

"Ҳа, мен радиода ишлашни еки тележурналист бўлишни жуда-жуда хоҳлар эди", дейди самимий кулиб Жимми.

Энки эса "Радиода ишлаб туриб, бу касбга шу даражада меҳр қўйдимки, бутун умр бу ерда ишлашни жуда-жуда истар эдим", — дея жавоб берди.

Еш суҳандонлар ҳафтасига 3 соат ишлашади. Баъзан дам олиш кунлари ҳам. Улар тез орада Американинг бошқа шаҳарларида ҳам янги радиостанциялар очини ниятидалар. Ана шуида болакайлар ўзларини қизиқтирган мавзулардаги эшиттиришларини, мунозараларни, кўнгилларига мос кўшиқларни бемалол тинглашлари мумкин бўлади.

"САДО" халқаро-экспресс ахборотидан.





Биз сўнги пайтларда "кашшофлар ташкилоти" деган иборани ишлатмай қўйдик. Шу сабаб ҳам "болалар ташкилоти фаолияти сўнган" деган фикр ҳам йўқ эмас. Аслида-чи? Ҳа, ушбу йилнинг охири кунларида Тошкент шаҳридаги ўқувчилар малакасини ошириш билимгоҳида Тошкент вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган болалар ташкилотларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. "Эркин дунё боласи" деб номланган ушбу анжуманда вилоятдаги турлича йўналишларда, турлича дастурлар билан иш юритаётган болалар ташкилотлари аъзолари иштирок этишиб, ўз тажрибалари хусусида сўз юритишди.

“ҲИМОЯ”ЧИЛАР ЧЕКМАЙДИЛАР, ИЧМАЙДИЛАР

Ангрен шаҳридаги “Ҳимоя” ўсмирлар клубининг олиб бораётган ишлари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу ишлар ҳақида Ангрен шаҳри болалар ташкилоти раҳбари М. Свищева сўзлаб берди:

— “Ҳимоя” клуби Новосибирск шаҳридаги педагогика-тажриба ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен шаҳридаги “Аверс” бўлимида. У 1992 йилнинг 6 октябрида ўз фаолиятини бошлаган эди.

Клуб аъзолари 80 йилдан ортқ давр мобайнида фақат яхши ишлари ва фойдали йўналишлари билангина машғур бўлган скаутизм принципларида риоя қилишади. Бу принциплар — миллатлар тенглиги, диний эркинлик, урушлардан холи, сиёсатдан четда. Скаутларга чекиш ва ичиш ман этилади. Улар динга эътиқод қўйганларни ҳам четлатмайдилар. Аксинча, диннинг ёшлар орасига кириши — бу ёшларнинг Ватанга муҳаббати ортиши, деб ҳисоблайдилар.

Клубнинг номи нима учун “Ҳимоя”? Биз ўсмирларни нимадан ҳимоя қилмоқчимиз? Ниятимиз — уларни ҳаётимизга, Ватанимизга ёт бўлган турли фикр ва қарашлардан, дангасалик ва билимсизликдан асрашдир. Клуб ўз олдига қўйган вазифалар ҳам худди шуларга асосланган.

1992 йилда клубга 12 нафар скаутлар аъзо қилинган эди. Уларнинг талаб ва қизиқишларига кўра, клуб футболга ихтисослашадиган бўлди. Футболдан ташқари болалар ўзбек адабий тилини, инглиз тилини, ЭҲМ курси бўйича “Ёш менежер” курсини, ҳарбий таълим, чиниқиш мактаби, эстетик тарбия курсларини ҳам ўрганишади. Бундан кейин “Менежер”, “Журналист”, “Тарихий-археологик” курсларини, шу билан бирга араб, турк ва француз тилларини ўрганиш курсларини ҳам ташкил этмоқчимиз. Курсларни тугатган клуб аъзолари махсус аттестациядан ўтишади. Аълочилар хоҳишларига кўра, клуб раҳбарлари, шаҳар Халқ таълимининг тавсияномаси ва ўқув муасасаларига тўлов пули ўтказиш ҳақидаги ишончнома билан ўрта махсус, ўрта техник ва олий ўқув юртлигига юборилади. Бу ўқув курсларидан ташқари клуб аъзолари шаҳарни ободонлаштириш, Қизил Ярим Ой

жамияти билан биргаликда меҳрибонлик акцияларида, турли тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этишади.

“ҚАЛДИРГОЧ” ТАБИАТ УЧУН ҚУРАНАДИ

Ангрен шаҳридаги 13-мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Эркин ака Мирзаев, шу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Гулчехра Жумабоева, 9-синф ўқувчиси Лазокат Абдуллаева эса мактабда ташкил этилган “Қалдирғоч” болалар ташкилоти ҳақида гапириб беришди:

— “Қалдирғоч” болалар ташкилоти экологик йўналишдаги ташкилотдир. У ўзининг асосий дастури — “Мен ва атроф” бўйича фаолият кўрсатади. Мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган анкета саволлари ва ўқувчиларнинг хоҳишларига кўра ташкилотнинг шиор, Устави, мадҳияси ишлаб чиқилди. Яшил рангдаги лентадан галстук тақишга келиши олинган ва у фақат байрам ва тантаналарда тақилади. Байроғи ҳам бор — ҳаво ранг ва яшил рангдаги байроқ. Ҳаво ранг-бегубор осмонни, яшил ранг эса ер юзини англатади. Ташкилотни кенгаш раҳбари бошқаради. Кенгашга ҳар синфдан бир киши аъзо. Мактаб ва синф хоналарини, атроф-муҳитни озода ва тоза тутишга, “Қизил китоб”ни йўқ қилишга киришган ташкилот аъзолари уч гуруҳга бўлинишган:

1. “Ширинтой” экологик гуруҳи (бошлангич синф ўқувчилари).
2. Табиат шайдолари (5-8-синфлар).
3. “Мен ва атроф” (9-11-синфлар).

“ТУРОН” ОНА ЮРТНИ ЎРГАНАДИ

Абдулла БОЙТЎРАЕВ, Бекобод туманидаги 46-мактаб болалар етакчиси:

— Туманимиздаги ҳар бир мактабда янгича ташкил этилган болалар ташкилотлари фаолият кўрсатаёпти, десам адашмайман. Мактабимиздаги болалар ва ўсмирлар уюшмаси XVI слётда қабул қилинган “Асосий иш йўналишлари” бўйича фаолият кўрсатади. Болалар ўз қизиқишларига кўра йўналишлар бўйича ташкил этилган гуруҳларга бирлашишган. “Она юрт” йўналиши бўйича ташкил этилган “Турон” гуруҳи “Юртни билган элни танир” шиори остида иш юритса, “Ҳавоси қандай бўлса,

БОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИДА

навоси шундай” шиори остида “Экология” йўналишидаги “Семурут” гуруҳи фаолият кўрсатади. “Меҳр-шафқат” йўналиши бўйича “Матонат”, “Меҳнат” йўналиши бўйича “Умид” гуруҳлари аъзолари ҳам яхши ишларга қўл уришган. Асосий иш йўналишимиз “Она юрт”. Бу йўналишда иш олиб бораётган “Турон” гуруҳи мактаб ўқувчилари, маҳаллалардаги болалар орасида юртимиз қадриятларини тиклашга бел боғлашган. Улар қадимий ўйинлар, ёр-ёрлар, ўланлар, лапарларни ўрганиш билан бирга тенгдошларига ҳам ўргатишади, ўзбекларнинг турли маросимларига уларни тайёрлаб боришади. “Меҳр-шафқат” йўналиши бўйича иш юритаётган болалар ноғиронлар, афғонда хизмат қилиб, ҳалок бўлган жангчилар оналарини, уруш беваларини оталиққа олишган. Уюшманинг “Дўстлик” кенгаши ҳам мавжуд. У уюшма аъзоларини ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, бирон ишнинг қонуний ҳал қилишига кўмаклашишади.

Ҳар йили Уюшмаимиз Бекобод металлургия комбинати билан шартнома тузади. Унга кўра, болалар комбинатга 50 тонна металл парчалари йигиб беришади. Ундан тушган даромаднинг 30 фоизи мактабни таъмирлашга, қолганлари фаолларни рағбатлантиришга, хайрия кечалари ва совгаларга, уюшма ишларига сарф қилинади.

“АЛИСА” МАМЛАКАТИГА САЁҲАТ

С. Н. НОВИКОВА, Чирчиқ шаҳри Болалар ижод маркази ходими:

— Бу йил “Ўзбекистон” йили деб эълон қилинган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда биз ўтган ўқув йили бошида “Ватан” республикасини ташкил этдик. Болаларни уч гуруҳга бўлиб ўқига бошладик. Бошлангич синф ўқувчиларини “Алиса” мамлакатига саёҳат қилишга чорлаймиз. Иккинчи йилда улар “Билмасвойлар” мамлакатига билим олишади. Учинчи йилда эса “Нима? Қачон? Қаерда?” мамлакатига бўлишади. Бу йиллар давомида республикамиз болалари дунёдаги янгиликлар, қизиқарли билимлар, ўз Ватанлари ҳақида кўп маълумотларни билиб олишади.

“Ватан”чиларнинг ўз қўшиқлари, байроқ ва нишонлари бор. Республикага аъзо бўлганларга биз унинг тасвири туширилган нишонни тақдим этамиз. Ўқув йили давомида болалар “Эртаклар” дарсини, “Дастурхон”, “Миллий кийимлар” ва “Миллий таомлар” дарсларини тинглашади ва уларга оид кеча ва тадбирлар ўтказишади. Ўқув йили охирида эса уларнинг барчаси фольклор байрами билан яқунланади.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.



Кўрик- мусобақа

Яқинда А. Икромов туманидаги 341-болалар боғчасида боғчалараро кўрик-мусобақа бўлиб ўтди. Тумандаги 341-, 365-, 455-, 592- ва 212-болалар боғчалари спорт эстафеталарида ва турли мусобақа чизиқларида куч синашдилар. Бу мусобақамиз анъанавий тусга кириб бормоқда, — дейди ҳақамлар ҳайъати аъзоси, туман халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия бўлими бошлиғи Шаҳзода Шукурова. — Бундай мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад болаларимизни умкин қадар соғлом ўстириш, уларда спортга ва санъатга бўлган қизиқишни уйғотишдир. Бугунги кўрикда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган боғчалар шаҳар миқёсида ўтказиладиган ярим финал ўйинларида иштирок этадилар. Қизиқарли ва кескин беллашуларга бой бўлиб ўтган бу учрашувда ҳақамлар ҳайъати биринчи ўринга 365- болалар боғчаси тарбияланувчиларини муносиб деб топишди. 2- ва 3-ўринларни эса 341- ва 12-болалар боғчалари эгалладилар. Мусобақа якунида голдлар ва иштирок этган командаларга турли совғалар — китоблар, тўплар, диплом ва медаллари топширилди. Энди шаҳар миқёсида ўтаётган боғчалараро мусобақасида А. Икромов туманининг шарафини 365- ва 341-болалар боғчалари ҳимоя қилдилар.

Ф. УМРЗОҚОВ туширган суратлар.



Бундан анча йиллар аввал (эллик йилларча) мен ҳам бола эдим. Қўлимга Киплинг отлиг инглиз ёзувчисининг ўзбекча нашр этилган китоби тушиб қолди. Китобда узок Ҳиндистон юрти таъриф тавсиф этилган бўлиб, бир ҳинди боланинг отаси билан филга миниб Деҳли шаҳридан Банорас шаҳрига борганилиги, йўлда юз берган воқеалар устида тўхталади.

Тун. Сўрига солинган ўринга ёнбошлаб чироқ шуъласида шу китобни мутолаа қиляпман. Қора чигирткалар куйлови авжида, олис-олислардан ҳаққуш овози юракни эзади — бир дам ўзимни ўша китобдаги дарахтзорлараро филга миниб кетаётган боладек ҳис этаман ва қачонлардир бу юртларни кўришни жуда-жуда орзу қиламан...

“Яхши ният — ярим мол” деганларидек ўша орзулар ушалди. Мен ҳам Деҳлидан Банорасга — ҳиндиларнинг айтишларича, Варанасига бордим, боз устига кемага тушиб муқаддас Ганга дарёсида сайр ҳам қилдим. Дарё шаҳарнинг ёнгинасидан оқиб ўтаркан.

Филга келсак — унга ҳам миндим. Жайпур шаҳрининг бақинидаги тепаликда жойлашган моҳарожа саройи зиёратига пиёда эмас, филга миниб чиқдик. Бу сарой ҳозир музей.

Баланд супадан тўппа-тўғри фил устидаги кажавага ўтиб ўтирдик. Умуман, Ҳиндистоннинг шаҳарлари, далаларида ўргатилган филлар тез-тез

САЁҲАТ ХОТИРАЛАРИ

Ҳ А З И Л К А Ш М А Й М У Н Л А Р

учраб туради. Баъзилари ясатилган, пардоз-андоз қилинган. Бундақалари тўйларда, байрамларда хизмат қиларкан...

Биласизки, бу мамлакатда қиш бўлмади. Янглишмасам, 14 январь кун эди. Жайпур шаҳрида эдик. Эрталаб туриб тепага боқсак шаҳарнинг бутун осмонини ранг-баранг варраклар тутиб кетибди: кўк варрак, қизил варрак, чипор варрак, яна неча хилдаги варраклар. Суриштирасак, бу кун Ҳиндистонда варрак байрам бўлиб, катта-кичик варрак учиради.

Осмонни варрак босгану ҳеч қандай шовқин йўқ; бизнинг лайлаки варракларимизга ўхшайди. Ҳиндларда дардарак расм эмас экан. Шунча варрак бошамагани эгиб (тортиб) дардарак ёпиштирилса борми — шаҳар аэродромга ўхшаб гувиллаб кетади.

Биласиз, ҳиндилар сигирни муқаддас ҳисоблашади, мабодо сигир қариса, уни яйдоққа қўйиб юборишаркан. У хоҳлаган жойида юриб, хоҳлаган жойида дам олиши мумкин. Кўча ўртасида ётса,

уни турғазиб, четга ҳайдашмас экан. Автомобиллар, мотоцикллар бир амаллаб ёнлаб ўтиб кетавераркан.

Биз кўчадаги ёввойи каптарларга дон-дун сепиб юриб, Жайпурнинг шаҳар майдонларида

бедафурушларни ҳам кўрдик. Улар бедани боғ-боғ қилиб эмас, балки бир тутам-бир тутам қилиб боғлаб улоқиб юрган сигирларга беришаркан.

...Бир замонлар бобурийларга пойтахт бўлган Агра шаҳрида “Шероз” деб аталмиш боғ-роғли сўлим бир отельга қўндик. Ҳовлисида товуслар думини камалакдек товлантирар, дов-дарахтларида бир-икки маймун ҳам кўринарди. Отель мулозимлари бизни егулик нарсаларимиз бўлса, уларни маймунлардан эҳтиёт қилишимизни

тайинлашди (худди бизда мушукдан эҳтиёт қилгандек).

Уларда маймунлар бионинг ҳар қандай қаватига ҳам тирмашиб чиқиб, хоналарни талон-тарож қилишар экан. Бир кун ҳамхонамнинг кострюлкада овқати бор экан. Ётар маҳал хонага келсак, деразадан кирган маймун овқатни паққос тушириб, яна кострюлканинг қопғони ёпиб кетибди...

Шарафиддин КҮНЧИ.



Бобосининг кўзи илинди. Беҳзод унинг нуроний чеҳрасига тикилганча узоқ ўтирди. Пешонасида ойиси айтгандек "чиройли фариштаси бор"миш. Беҳзодга исмини ўзи қўйган экан. Лекин уни "Бўтам" деб чақиради.

"Бўтам" сўзи аввалига галати эшитилганди. Кейинчалик кўникиб, ҳатто боғчага борганда ҳам кимдир уни "Бўтам" деб чақирганини кўрсарди...

Шундай кунларнинг бирида боғчадан қайтса, эшик олдида "Тез ёрдам" машинаси турибди. Ҳеч нарсага тушунмади. Тезда ҳовлига югурди. Ойи ва дадасининг юзларида саросима, хавотир — оқ халатли докторни кузатиб чиқишяпти. Беҳзод отилиб ичкарига кирди ва юзлари ҳоргин, кўзлари киртайган бобосини тўшақда кўрди.

— Бобо, бобожон, — у ўзини босолмади, бобоси томон отилди.

Докторни кузатиб қайтган онаси Беҳзодга деди:

— Бобонгга епишма, озор берасан. Шундогам ҳамма ёқлари зиркираб огрияпти.

Бобоси эса хасталик билан: — Кўверинг, келин. Ёнимга келсин, алаҳситиб дардимни олади. Кел, бўтам, чўк,— деди.

— Сизга нима бўлди?

— Э, бўтам, парво қилма, тузукман. Эрта-индин тузалиб кетаман, яна сен билан кўп жойларни томоша қилгани борамиз.

Шу пайт остонада Боқи бобонинг гулдурас овози эшитилди.

— Ҳа, ўртоқ нима гап? Тинчликми ўзи? Эшитиб ҳайрон бўлдим, бундай одатинг йўқ эди-ю?

— Ҳа, сенмисан, кел, кулоқни қоматга келтирдинг-ку, — бобо юзи тўла дард бўлсаям, ошнасига эски ҳазилини қўймади. — Фалокат оёқ остида эканда. Эрталаб туппу-тузук эдим, шу дегин, пешинга келиб нимаям бўлди-ю, кўз олдим қоронгулашиб йиқилиб қолдим. Турай дейман, мадор йўқ. Оёқ қимир

этмайди. Ўғлим буни кўриб, мени уйга олди, дўхтир чақирди. Мана, энди давони Оллоҳдан тилаб ётибман.

— Энди, ўртоқ, — Беҳзод бобонинг гапларидан ҳаёлга чўмган экан, Боқи бобонинг овози ўзига келтирди, — сенда мана ҳар қалай неварга бор. — Беҳзоднинг бошини силади, — шукур қил, шу бола билан овунасан. Менинг Валижонимни яратган тирноққа зор қилди. Биласан-ку, менам сенинг неварангни кўриб таскин оламан, неварга не етсин, мулла!

Боқи бобо нос чекди.

— Майли, ўртоқ, — бобоси не азобда-ю, дўстига тасалли беради, — хафа бўлма, яратганинг марҳамати кенг, бир кун ўзи сенга набира ато этади.

— Ҳа, айтганинг келсин.

— Бобо кўз ёшларини билантирмай артиб олди.

Ўшандан бери тўрт ойдан зиёд вақт ўтди. Бу орада бобоси Беҳзодга бутунлай суяниб қолди. Бобоси дардга чалинган ўша кундан кейин уч ойлар ўтиб, оёққа турди. Лекин нима қилсаям дард дард экан, аввалиги қуввати йўқ, ўзи юролмайдиган бўлиб қолди.

— Бўтам, — деди бир кун бобоси, — энди шу менинг ёнимда юр, мени етаклаб. Мен манови таёқни отиб юборай, — бобоси ҳассасига ишора қилди, — сенинг елкангними, қўлларингними ушлаб юрайин.

Беҳзод суюниб кетди. Чунки, у доим бобоси билан бўлишни истарди.

Шундан кейин бобоси, қайга борса, Беҳзоднинг қўлидан, елкасидан ушлаб секин-секин юрадиган бўлди. Энди у бобоси билан кун бўйи гаплашиб юради, ўтирса ўтиради, қайга борса одамларнинг кўзлари уларга қадалади, кимлардандир мактов дуо эшитади. Бобоси ҳар хил хотиралар, ривоятлар сўзлаб Беҳзодни

ҳайратга солади. У тинглайдиган воқеаларнинг бари маҳзун, баъзилари эса кўзи ожиз чол ва унинг сеvimли набираси ҳақидаги ривоятлар бўлади.

У бугун ҳам мактабдан қайтди-ю, бобоси ўтирган хонага кирди.

Бобосининг жуссаси аввалгига қараганда анча кичрайиб қолган эди.

У ўрнида гужанак бўлиб олган, соқоли билинар-билинмас титрар, лекин набирасини чўчитмаслик учун ўзини тетик тутарди.

— Бобо, борамизми?

— Қаерга бўтам?

— Боқи бобоникига, ўзингиз борамиз дедингиз-ку.

Бобоси хижолат бўлгандай, нурсиз кўзлари билан Беҳзодга тикилиб қолди.

— Бўтам, бирров мазам қочиб турибди-да, сал кечроқ борамиз, майлими? Ҳозир менга ёстиқни баландроқ қўйиб бер, бир оз мизгиб олай.

Бобоси бошини ёстиққа қўйди-ю, кўзи илинди. Жимликни Боқи бобонинг

момақалдиқроқдай овози бузди. У ташқарига чикди.

— Бобонг қани?—сўради Боқи бобо. Унинг ёнида бегона бир киши ҳам бор эди.

— Ётибдилар, — деди Беҳзод, — ҳозир сизникига бормоқчийдик, бобом бироз ётай дедилар.

Боқи бобонинг Беҳзодга қараб завқи келиб кетди, ҳар қалай унга узоқ тикилиб турди-да:

— Қанийди менинг ҳам сендай неварам бўлса, — деб пешонасидан аста ўпиб қўйди.

Беҳзод меҳмонларни кузатиб чикмоқчи бўлиб эргашди. Боқи

бобо буни сезмади шекилли, ёнидаги кишини қўлидан тутиб, тушунтириш қилди.

— Охирги пайтларда шу невараси унга гўё тирик хасса ўрнида бўлиб қолган. Туну кун шу бола етаклаб юради. Яхшиям бахтига шу барака топгур бор. Ишқилиб умри узоқ бўлсин.

Беҳзод юраётган жойида тўхтаб қолди. "Тирик хасса" сўзи яна ва яна жаранглади. Бобоси учун "Жонли хасса" у. Бобосига халал бермаслик учун бошқа хонага кирди. Кўзи илинибди бир пайт чўчиб уйғонди.

Ҳовлида одамлар гувур-гувур қилишарди. Беҳзод Боқи бобо гузардан, чойхонадан чолларни гурунглашиб ўтириш учун бошлаб келган, деб ҳаёл қилди. Бироқ йиги овози эшитилиб турарди. Беҳзоднинг этлари жимирлашиб қолди. Хонага йигидан қовоқлари қизарган, кўзларида ёш билан онаси кирганда... У тушундики, у тушундики... бобоси...

Онаси жим эди. Унинг бошини кўксига босганча лабларини тишаб, туриб қолди. Беҳзод энди бобосининг илиқ қафтлари ҳеч қачон унинг қўлларидан тутмаслигини ҳис қилди, ҳис қилди-ю... яна бир бор ҳеч бўлмаса охирги марта бобоси билан Боқи бобоникига боргиси келди. Бироқ...

Беҳзод ичидан чиқаётган фарёдни босиб қололмаслигини билиб, онасини қаттиқ кучоқлаб олди. Кўз ёшлари тийиксиз эди.

Нодир МАҲМУДОВ

ЖОНЛИ ХАССА

ҲИКОЯ



Кимё ўқитувчиси: — Хиромдан нима тайерланади?
Косибнинг ўғли: — Хиромдан этик, ковуш тикиш мумкин.

Ақаси билан жанжаллашаётган Дилдора эшикдан кирган дадасини кўриб, югурганча унга пешвоз чикди:
— Дада, нима олиб келдиз?
— Бурамақанд! — деди дадаси

тўпалончиларни жазоламоқчи бўлиб.

— Бурамасини акамга, қандини эса менга бера қолинг, — деди шаддод Дилдора...

— Бу қандоқ гап, домлажон, ўтган гал шу темани айтсам "уч" қўйгандингиз, ҳозир ҳам ўша темани такрорласам "тўрт" қўйдингиз?

— Ҳа, энди, ҳозир ҳамма нарсанинг нархи ошяпти-да.

Муҳиддин Отахонов.



Суюкли набираларим ОЗОДАҲОН ва МУНИСАҲОН!
Сизларни туғилган кунингиз билан самимий қутлайман. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқиш ва ишларингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.
Гулгун чеҳрангиздан табассум аримасини!
Эзгу ниятлар билдириб: Зухра хожа бувангиз.



Ўғилларим ОДИЛЖОН ва ОРИФЖОН!
Қутлуғ 5 ва 7 баҳорини қаршилаган кунингиздаги қувончларингизга шерикимиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.
Қамолотингизни кўриб, қувнаб юргувчи: онангиз Сўймаҳол, онангиз Дилобар.
Каттабековлар оналаси. Жиззах вилояти, Зомин тумани, "Ширин" посёлкаси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги

П. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти 9-11 синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги бўлимларга ўқишга таклиф этади:

1. Ранг тасвир ва бадий безатиш.

2. Халқ амалий санъати.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси: 6-уй.

Мурожаат учун телефон: 45-04-38 (қабул комиссияси).

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КУЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъула котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тасвир астуачи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чиқиб босилган.

Газета ҳафтанинг сешанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КўЧАСИ, 32-УЙ.
Напр курсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.